

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ,  
ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА  
ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ  
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.GM.40.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЮСУПОВ ВАЛИЖОН РУСТАМОВИЧ**

**ЭЛЕКТРОМАГНИТ МАЙДОНЛАРНИНГ ТАБИИЙ ВА ТЕХНОГЕН  
ЖАРАЁНЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ВАРИАЦИЯЛАРИ**

**04.00.06 - «Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари»**

**ГЕОЛОГИЯ- МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент- 2018**

**Геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по геолого-минералогическим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on geological-mineralogical sciences**

Юсупов Валижон Рустамович

Электромагнит майдонларнинг табиий ва техноген жараёнлар билан боғлиқ  
вариациялари .....2

Юсупов Валижон Рустамович

Вариации электромагнитных полей естественного и техногенного  
происхождения .....21

Yusupov Valijon Rustamovich

Variation electromagnetic flaps land natural and tekhnogen origins .....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works .....43

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ,  
ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА  
ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ  
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.GM.40.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЮСУПОВ ВАЛИЖОН РУСТАМОВИЧ**

**ЭЛЕКТРОМАГНИТ МАЙДОНЛАРНИНГ ТАБИЙ ВА ТЕХНОГЕН  
ЖАРАЁНЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ВАРИАЦИЯЛАРИ**

**04.00.06 - «Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари»**

**ГЕОЛОГИЯ- МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/GM14 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Сейсмология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида [www.gpniimr.uz](http://www.gpniimr.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Абдуллабеков Кахарбай Насирбекович</b> физика-математика фанлари доктори, академик
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Хамидов Лутфулла Абдуллаевич</b> физика-математика фанлари доктори <b>Юсупов Рустам Юнусович</b> геология-минералогия фанлари номзоди
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>«Нефт ва газ конлари геологияси ва кидируви институти» Акциядорлик Жамияти</b>

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ куни соат\_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 11<sup>а</sup>-уй. Тел: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: [info@gpniimr.uz](mailto:info@gpniimr.uz), [gpniimr@exat.uz](mailto:gpniimr@exat.uz)).

Диссертация билан Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 11<sup>а</sup>-уй. Тел: (99871) 256-13-49

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ даги \_\_\_рақамли реестр баённомаси)

**Р.А.Ахунджанов**  
Фан доктори илмий даражасини берувчи  
Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

**К.Р.Мингбоев**  
Фан доктори илмий даражасини берувчи  
Илмий кенгаш котиби, г.-м.ф.н.

**С.А. Бакиев**  
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий  
кенгаш қошидаги семинар раиси ўринбосари, г.-м.ф.д.

## **КИРИШ**

**(Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда сейсмик хавфни баҳолаш ва зилзилаларни прогноз қилиш муаммоси сейсмологик тадқиқотларнинг жаҳон миқёсидаги ниҳоятда долзарб муаммоси ҳисобланади. Жумладан дунёда зилзилаларни прогноз қилиш каби мураккаб вазифаларини ҳал қилиш бўйича ёндошувларни ишлаб чиқиш зарурати билан боғлиқ ҳолда тадқиқот ишлари электромагнит майдон ўзгаришларига асосланган зилзила даракчиларини аниқлашга қаратилган изланишлар давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида сейсмик хавфни баҳолашнинг эҳтимолий услибиятларини такомиллаштириш устувор йўналишлардан бўлиб, бу борада турли сейсмотектоник шароитларда зилзила даракчиларини намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш, қайд қилинган электромагнит аномалиялари табиатини таҳлил қилиш, зилзилаларни прогноз қилиш бўйича комплекс тизимларни ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олиб борилаётган илмий тадқиқотлар зилзилаларнинг зарарли оқибатларини камайтириш ва олдини олиш мақсадида электромагнит майдон параметрлари ўзгаришининг қонуниятларини аниқлаш ҳисобланади. Зилзилаларни олдиндан айтиш муаммосини ҳал қилишда ер электромагнит майдонларининг табиий ва техноген жараёнлар билан боғлиқ хусусиятларини аниқлаш бўйича изланишларни амалга ошириш ҳозирги кескин ривожланиш даврида муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда сейсмик фаол ҳудудларни электромагнит кузатувлар, прогностик мониторинг тизимини янгилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилиб, жумладан кучли зилзилалардан аввал аниқлиги юқори бўлган маълумотлар олиш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Ҳудудларни сейсмик фаоллигини доимий мониторинг қилиш дастурлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «Одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш» бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу борада республикамиз ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш, сейсмик чидамли қурилишларни амалга ошириш ва сейсмология соҳасида ўтказишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 1 июндаги «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5066-сон Фармони, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлиги, сейсмик чидамли қурилиш ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони.

сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республиканинг фан ва технологияларни ривожлантиришининг VIII. «Ер ҳақидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёни қайта ишлаш) устувор йўналишларига мувофиқ равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Зилзилаларнинг электромагнит даракчиларини ўрганиш дунёнинг жуда кўп сейсмик фаол мамлакатларида илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари илмий ходимлари, жумладан: Xuemin Zhang, Xuhui Shen, F.D.Stacey, V.A.Shapiro, S.Polyakov, A.Shchennikov, Z.Tang, I.Podsklan, V.Kuznetsova, V.Maksymchuk, Mei Li, Handong Tan, Meng Cao, P.M.Davis, Ўзбекистон ҳудудида электромагнит майдонлар турли йилларда Ғ.О.Мавлонов, В.И.Уломов, Қ.Н.Абдуллабеков, С.Х.Мақсудов, С.С.Хусамиддинов, Е.Бердалиев, М.Ю.Мўминов, А.И.Тўйчиев, С.О.Якубова, О.М.Барсуков, Н.М.Муталиев, Э.М.Махкамжонов, М.Т.Усманова ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Қирғизистон геодинамик полигонларида ва гидротехник иншоотларида электромагнит майдон ўзгаришлари баҳоланган (Турдукулов, ва б.қ, 2003). Америка қўшма штатларида электромагнит майдонларни комплекс таҳлил қилиш ёрдамида зилзилаларни вақти, жойи ва кучи аниқланган (Geller, 1997), Грецияда электромагнит станциялари ёрдамида бир нечта зилзила даракчиларининг аномалиялари аниқланган (Eftaxias, 2000).

Ўтган даврда жуда кўп муҳим илмий натижалар олинганига қарамай бу соҳада ҳал қилинмаган қатор муаммолар мавжуд. Геодинамик полигонларда ва техноген объектларда ўтказилган электрометрик ва магнитометрик ишлар охиригача умумлаштирилмаган. Олинган натижаларнинг регионал ва локал сейсмогеодинамик жараёнлар, жойларнинг геологик-тектоник тузилиши билан боғлиқ ўзгаришлар етарлича олиб борилмаган. Шулардан магнитометрик ва электрометрик кузатув усуллари ёрдамида зилзила даракчиларини комплекс таҳлили ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Сейсмология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф8-ФА-0-69962 «Ғарбий Тянь-Шан сейсмогеодинамикасини зилзилаларни комплекс прогноз қилиш учун тадқиқ этиш» (2012-2016 йиллар) ва ЁА14-ФА-Т-007 «Қаржантов чуқур ер ёриғи сейсмик фаоллигини геологик-геофизик усуллар мажмуаси билан баҳолаш ва ArcGIS технологияси ёрдамида микдорий моделларини яратиш» (2016-2017 йиллар) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** электромагнит майдонларнинг табиий ва техноген жараёнлар билан боғлиқ вариацияларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

зилзилаларнинг глобал, регионал ва локал геотектоник структураларда магнитуда бўйича намоён бўлишини аниқлаш;

Ўзбекистон геодинамик полигонларида ва техноген объектларда олиб борилаётган электрометрик ва импульс электромагнит аномалияларини аниқлаш;

Марказий Осиёда магнит майдонининг асрий ўзгаришларини ўрганиш, магнит майдонининг турғун (стационар) станцияларда кузатилган аномал вариацияларининг сейсмогеодинамик жараёнлар билан боғлиқлигини аниқлаш;

магнит майдонининг Полторацк ер ости газ сақлагичи, Чорбоғ сув омборидаги эксплуатация режимининг турли сейсмогеодинамик жараёнлар билан боғлиқ аномалияларини аниқлаш;

Чорбоғ полигонида магнит майдонининг сув ҳажмининг ўзгариши ва регионда содир бўлган зилзилалар билан боғлиқ бўлган аномал ўзгаришларини аниқлаш;

ер электромагнит майдонининг табиий ва техноген жараёнлар билан боғлиқ вариацияларини ҳудуднинг геологик-тектоник тузилиши, сейсмик режими маълумотлари билан бирга комплекс таҳлил этиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Ўзбекистон республикаси ҳудудидаги Фарғона, Қизилқум ва Тошкент геодинамик полигонлари, шунингдек Полторацк ер ости газ сақлагичи ва Чорбоғ сув омбори ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети.** Ўзбекистондаги геодинамик полигонлар ва техноген объектлар ҳудудларининг электрометрик ва магнитометрик аномалиялари.

**Тадқиқотнинг усуллари.**

Ер электромагнит майдонларининг зилзилалар ва техноген жараёнлар билан боғлиқ равишда ўзгариши ҳақида маълумотларни ўз ичига олувчи ўтказилган илмий тадқиқот ишлари натижаларини таҳлил қилиш, барча услубий қўлланмаларга мувофиқ ҳолда тадқиқот Чорбоғ сув омбори ҳудудида ўтказилган кўп йиллик магнитометрик кузатув ишларини олиб бориш, шунингдек олинган ўлчаш натижалари асосида зилзила даракчилари ва техноген жараёнлар билан боғлиқлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

зилзилаларнинг магнитуда бўйича намоён бўлиши глобал, регионал ва локал геотектоник структуралар ўлчамларининг катталиклари билан боғлиқлик даражаси баҳоланган;

импульс электромагнит майдонининг ўртача суткалик, ойлик ва йиллик ўзгаришлари ҳамда зилзилалар билан боғлиқ аномалиялари аниқланган;

Марказий Осиёда жойлашган геомагнит расадхоналарда ва Ўзбекистондаги стационар станцияларда ер магнит майдонининг асрий ўзгаришларининг бир хиллиги аниқланган;

магнит майдонининг Полторацк ер ости газ сақлагичи, Чорбоғ сув омборидаги эксплуатация режими ҳамда тоғ жинслари электр қаршилигининг турли сейсмогеодинамик жараёнлар билан боғлиқ аномал ўзгаришлари аниқланган;

Чорбоғ сув омбори ҳудудида кузатилган магнит майдон аномалиялари сувнинг эксплуатация режими билан бирга полигон атрофида рўй берган зилзилалар билан ҳам боғлиқлиги исботланган;

электромагнит майдонларининг техноген жараёнлар ва зилзилалар билан боғлиқ узок, ўрта ва қисқа муддатли аномал вариациялари зилзилалар тайёрланишининг моделларига мос равишда намоён бўлиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг техноген ҳудудларидаги кузатилган магнит майдон аномалиялари сувнинг эксплуатация режими билан бирга полигон атрофида рўй берган зилзилалар билан ҳам боғлиқлиги аниқланган;

сейсмикликнинг глобал, регионал ва локал геотектоник структураларда намоён бўлиш хусусиятларини аниқланган.

маълум бир сеймик фаол зонада кучли зилзилани содир бўлиш эҳтимоли предметига жорий сеймик ҳолатни идентификация қилиш имконини берувчи геофизик кузатувлар қаторини кўп компонентли қайта ишлаш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий тадқиқотларнинг асосий натижалари ернинг магнит ва электр майдонлари вариацияларини махсус геодинамик полигонларда, юқори аниқликка эга бўлган замонавий протон магнитометрлари ва электроразведка станцияларида ўлчаш ёрдамида олинган. Ўлчов ишлари магнитометрик ва электрометрик кузатувларни олиб бориш инструкцияларига таянган ҳолда бажарилган. Ўлчов ишларининг амалдаги аниқлик даражасини баҳолаш мақсадида полигонлардаги пунктларнинг 20-25 фоизида қайта ўлчаш ишлари ўтказилди ва ўртача квадратик хатолик даражаси топилган. Олинган натижалар хатоликнинг нормал тақсимланиш қонуни билан солиштирилди. Барча геофизик ўлчаш асбоблари Янгибозор магнит-ионосфера расадхонасида ва Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг эталон полигонида синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ер қобиғидаги сейсмогеодинамик жараёнлар ва техноген объектлардаги эксплуатация режимларининг ўзгаришлари тоғ жинсларининг магнитлик хоссалари ва электр ўтказувчанлигини ўзгаришига олиб келувчи электрокинетика, пьезоэлектр ва пьезомагнетизм ҳодисаларига асосан аниқлаштириши ва умумлаштириши билан белгиланади.



Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти техноген объектларда электр ва магнит майдонларининг кўшимча босим ва сув ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган вариацияларини ўрганиш, ҳудуддаги сейсмогеодинамик жараёнларни назорат қилиш имконини беради ва zilzilаларни узоқ ва ўрта муддатга прогноз қилиш ишларига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистоннинг сейсмик фаол зоналарида электрометрик ва магнитометрик аномалиялар кўрсаткичларидаги қонуниятларни аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

импульс электромагнит майдонининг аниқланган ўртача суткалик, ойлик ва йиллик ўзгаришлари ҳамда zilzilалар билан боғлиқ аномалиялари Фавқулодда вазиятлар вазирлиги амалиётида жорий қилинган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2018 йил 12 июндаги 4/4/15-1678-сон маълумотномаси). Натижада республика ҳудудида 2013-2017 йилларда содир бўлган қатор кучли (Туябуғиз, Маржонбулоқ, Тошкент, Чортоқ) zilzilаларини қисқа муддатли даракчиларини аниқлаш имконини берди;

Ўзбекистон ва кўшни давлатлар магнит расадхоналарида таққослаш асосида аниқланган магнит майдони вариациялари Фавқулодда вазиятлар вазирлиги амалиётида жорий қилинган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2018 йил 12 июндаги 4/4/15-1678-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон ҳудуди сейсмик фаоллигини мониторинг қилиш имконини берган;

Чорбоғ сув омбори ҳудудида олиб борилган кузатувлар асосида магнит майдони (қисқа, ўрта, узоқ муддатли), сувнинг ҳажми ва zilzilалар ўртасидаги аниқланган боғлиқлик Фавқулодда вазиятлар вазирлиги амалиётида жорий қилинган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2018 йил 12 июндаги 4/4/15-1678-сон маълумотномаси). Натижада ушбу ҳудудда турли магнитудали zilzila даракчилари билан боғлиқ аномалияларни аниқлаш имконини берган;

электромагнит майдонларининг аниқланган техноген жараёнлар ва zilzilалар билан боғлиқ аномал вариациялари zilzilалар тайёрланиш жараёнларининг моделларига мослиги Фавқулодда вазиятлар вазирлиги амалиётида жорий қилинган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2018 йил 12 июндаги 4/4/15-1678-сон маълумотномаси). Натижада олинган прогноз, мониторинг, zilzilалар тайёрланишининг модели маълумотлари Фуқаро муҳофазаси институтининг республика бўйича тингловчилари ва илмий ходимларининг билим ва малакасини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий мақолалар чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола,

жумладан 12-таси республикада, 2-таси хорижда, конференция материалларида 10 та, жумладан 3 таси хорижда.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **«Ўзбекистон геодинамик полигонларининг геологик-геофизик тузилиши ва электромагнит кузатув ишлари методикаси»** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон геодинамик полигонларининг геологик-тектоник тузилиши, сейсмик фаоллиги, магнитометрик, электрометрик изланишлар усуллари, қўлланилган асбоб ва ускуналар, шунингдек дипол электр зондлаш (ДЭЗ), табиий электр майдонни ўлчаш (ТЭМ) ва импульс электромагнит (ИЭМ) усуллари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Бу бобда асосан тоғ жинсларининг физик хоссалари, ҳудуднинг сейсмик фаоллиги, сеймотектоник тузилиши, геофизик майдонлар, ернинг янги замон ҳаракатлари ҳақида маълумотлар берилган.

Республиканинг сейсмик фаоллиги ҳақида, ундаги сейсмоген зоналар, сейсмик районлаштириш натижалари ҳамда кучли зилзилаларнинг геологик структураларнинг ўлчамларига қараб магнитуда бўйича тақсимланиши баҳоланган. Бу хулосага асосланиб электрометрик ва магнитометрик кузатувларни сейсмик фаол ҳудудларда сейсмоген зоналар, йирик тектоник плиталар чегаралари ҳудудларида олиб бориш тавсия этилади.

Диссертациянинг **«Электромагнит майдонлар вариацияларини ўрганиш натижалари»** деб номланган иккинчи бобида зилзилаларни прогноз қилишнинг электромагнит усулларига тоғ жинслари электр қаршилиги ( $\rho_k$ ), теллурик тоқлар (ТТ), табиий электр майдони (ЕЭП), атмосфера электри (АЭ), табиий импульс электромагнит майдони (ИЭМ) ва магнит майдонини аномал вариацияларининг натижалари келтирилган. Ер шарининг сейсмик фаол ҳудудларида жойлашган давлатларда (Қозоғистон, Россия, Япония, Хитой, АҚШ, Греция ва бошқалар) атмосфера электр тоқи, теллурик тоқлар, тоғ жинслари электр қаршилигининг ўзгариши, импульс электромагнит майдонининг вариациялари, магнит майдоннинг ўзгаришлари билан характерланади. Бу усуллар дунёнинг кўплаб мамлакатларида ер қобиғидаги турли электромагнит ҳодисаларни аниқлашда, техноген

объектлардаги жараёнларни аниқлашда, шунингдек зилзилаларни прогноз қилишда қўлланилади.

Сейсмология институтида зилзилалар даракчилари электрометрик усуллар комплекси билан Тошкент, Фарғона, Қизилкум геодинамик полигонларида, Чорбоғ сув омбори, Полторацк ер ости газ сақлагичи, Томдибулоқ, Ширмонбулоқ, Жанубий Оламушук объектларида, Газли зилзиласи эпицентрларида аниқланган ва тадқиқ этилган.

Полторацк ер ости газ сақлагич омбори 550-620м чуқурликда, қалинлиги 20-25 метр бўлган ер ости сувли қумтош қатламларидан ташкил топган антиклинал структурадан иборат. Ер ости табиий газ сақлагичга 9,0-9,5 МПа босим остида ёз ойларида газ юборилади. Тадқиқотлар натижасида антиклинал структуралар юқори босим остида газ билан тўлатилганда сув ўрнини газ эгаллаши натижасида тоғ жинсларининг электр қаршилиги ( $\rho_k$ ) қиймати 15-20% га ортганлиги қайд қилинди. Аксинча, қиш ойларида газ чиқариб олинганда, босим камаяди ва газ ўрнини сув эгаллаши натижасида жинсларнинг электр қаршилиги ( $\rho_k$ ) 15-20% га камайиши қайд қилинган. Бу натижалар тоғ жинслари электр қаршилигининг муҳит ўзгаришига ва ташқи таъсирга реакцияси кучли эканини ва техноген объектларда зилзилалар тайёрланишини табиий шароитда моделлаштириш мумкинлигини кўрсатади.

Чорбоғ сув омборини сув билан тўлдириш даврида тоғ жинслари электр қаршилиги ( $\rho_k$ ) нинг вақт давомида ўзгариши диполь электр зондлаш (ДЭЗ) усули ёрдамида ўрганилган. Электр қаршилигининг 1975, 1978 ва 1981-1982 йиллардаги вариациялари асосан сув омборидаги сув ҳажмининг ўзгаришлари билан боғлиқ бўлиб, сув ҳажми кўпайганда электр қаршилиқ 4-6 % га камайиши, сув ҳажми камайганда эса электр қаршилигининг 5-7 % га ўсиши аниқланган. Демак электр қаршилиқ билан сув ҳажмининг ўсиши ўртасида тескари корреляцион боғланиш кузатилган.


Зилзилалар тайёрланишининг замонавий моделларига асосан зилзила тайёрланаётган ҳудудда қўшимча механик кучланиш йиғилиши натижасида тоғ жинслари деформацияланади ва уларнинг физик хоссалари ўзгаради. Пьезоэлектр эффекти ходисасида тоғ жинслари сиқилиши ёки чўзилиши натижасида қўшимча электр энергияси йиғилади. Ҳосил бўлган энергия тоғ жинсларининг электр хоссасига қараб, юқори электр ўтказувчи жинслар бўлса теллурик тоқлар сифатида, электр қаршилиги катта жинсларда эса импульс электромагнит сигналлари сифатида тарқалади. Бу сигналлар ўта кучли бўлиб, тайёрланаётган зилзила ўчоғидан зилзиланинг электр даракчиси сифатида турли частоталарда тарқалади.

Ўзбекистонда бирлашган электрометрия марказлари (кустовой центрлар) ташкил этилди. Бунинг афзаллиги шундаки бир вақтнинг ўзида комплекс бирқанча параметрларни (ИЭМ, ЭТП, ТТ, Радон ва бошқа метеорологик параметрларни) ўлчаш имконияти мавжуд.

Электротеллурик майдоннинг Янгибозор расадхонасида 2013-2015 йилларда Йиғма марказ (кустовой Центр)да кузатилган импульс электромагнит майдонининг натижалари асосида аномалиялар олинди.

Электротеллурик майдон йиллик ўзгаришлари баҳор ойларида минимал ҳолатига келиши ва ёз ойларида максимал ҳолатдалиги кузатилди.

Импульс электромагнит майдонининг Янгибозор расадхонасида 2013 йил январь-май ойларидаги ўзгаришлари статистик таҳлили натижаларига кўра майдоннинг қиймати ёзги ойларда қишки ойларга нисбатан анча кучли эканлиги маълум бўлди. Лекин май ойининг ўртача ойлик графиги бошқа ойлардан фарқ қилади. Бу аномал ўзгаришлар регионда  $LgR=0,204M+1$  км масофада бўлиб ўтган зилзилалар билан солиштирилди. Бу таҳлил натижалари шуни кўрсатдики электромагнит майдон январь ойидан бошлаб 18 майгача ўртача 100-200 мВ гача ўзгарган бўлса 20-25 майгача 600-650 мВ га ўзгаргани аниқланди (1-расм).



Расм 1. Импульс электромагнит майдонининг “Янгибозор” расадхонасида Туябўғуз ва Маржонбулоқ зилзилалари билан боғлиқ бўлган аномал ўзгаришлари

Ўзбекистонда ва бошқа сейсмик фаол регионларда 1974-2017 йилларда ИЭМ нинг зилзилалар билан боғлиқ бўлган жуда кўп аномал вариациялари ажратилди. Аномалияларнинг амплитудаси бошқа оддий кунлардагига нисбатан бир неча ўн мартадан бир неча юз ва хатто минг марта ортиқлиги кузатилади. «Янгибозор» магнит-ионосфера расадхонасида ИЭМ нинг узлуксиз кузатув натижалари, Ўзбекистонда кузатилган суткалик вариациялари бошқа регионларда кузатилган вариациялар, импульс электромагнит майдонининг аномал ўзгаришлари таҳлил қилинди.

Ер магнит майдонининг асрий ўзгаришларини тадқиқ этиш бўйича дунёда кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Ер магнит майдонининг асрий ўзгариши деб унинг маълум нуқтадаги бир йиллик ўртача ўзгариши қабул қилинган. Ер магнит майдонининг қисқа даврли ўзгаришлари геология-қидирув ишларини ўтказишда, зилзилаларни геомагнит усул билан прогноз қилишда ҳисобга олиниши зарур. Ер магнит майдонининг глобал ва йирик


регионал ўзгаришлари ернинг чуқур қатламларидаги жараёнлар билан, локал ўзгаришлари эса ер қобиғидаги унча чуқур бўлмаган жараёнлар билан боғлиқ.

Магнит майдонининг асрий ўзгаришлари 200 дан ортиқ магнит расадхоналарида, асрий ўзгаришларнинг минглаб кузатув пунктларида ҳамда космик магнит съемкалари ёрдамида ўрганилмоқда.

Магнит майдонининг турғун станциялардаги асрий ўзгаришлари қуйидагича аниқланади.

$$\Delta T_{\text{асрий}} = T_2 - T_1, T_3 - T_2, \dots, T_n - T_{n-1} \quad (1)$$

Магнит майдонининг Ўзбекистондаги асрий ўзгаришлари қийматлари кейинги 30-40 йиллар давомида кузатувлар олиб борилаётган «Андижон», «Чортоқ», «Чимион», «Хумсон», «Янгибозор», «Самарқанд», «Томдибулоқ», «Бухоро», «Шўрчи» турғун станциялардаги кўп йиллик (1979-2017йй.) натижаларга асосан аниқланди. Майдон динамикасини аниқ тасаввур қилиш учун 1979 йилдан бошлаб ҳар 5 йил учун ўртача асрий ўзгаришлар қиймати вектор кўринишида келтирилди.



Расм 2. Ер магнит майдонининг Ўзбекистондаги стационар станцияларда (а) ва Россия ва Қозоғистондаги расадхоналарда (б) [И.М.Демина, А.А.Петрова, 2010] кузатилган асрий ўзгаришлари

Марказий Осиёда жойлашган геомагнит расадхоналар ва турғун станцияларда ер магнит майдонининг асрий ўзгаришлари аниқланади. Ер магнит майдонининг 1995-2010 йилларда «Янгибозор», «Чимион», «Чортоқ», «Андижон» ва бошқа турғун станцияларда кузатилган асрий ўзгаришлари Ўзбекистондан ташқарида жойлашган бошқа магнит расадхоналарда «Новосибирск» (NVS), «Арти» (ARS), «Алма-Ата» (AAA) кузатилаётган ўзгаришлар билан таққосланди. Натижада Янгибозор расадхонаси ва турғун станциялардаги асрий ўзгаришлар умумрегионал ўзгаришларга мос равишда кечаётганлиги аниқланган (расм 2).

Диссертациянинг «**Электромагнит майдон ўзгаришининг техноген ходисалар ва зилзилалар билан боғлиқлиги**» деб номланган учинчи бобида Техноген объектлардан фойдаланиш даврида оптимал эксплуатация режимига риоя қилмаслик натижасида атроф муҳитнинг сейсмик ҳолатига, инженер-геологик, экологик шароитига сезиларли таъсир кўрсатади. Кўшимча кучларнинг таъсири тоғ жинслари физик хоссаларининг ҳамда локал сейсмикликнинг ўзгаришига олиб келади. Техноген объектларни эксплуатацияси даврида ҳудудлардаги сейсмикликни назорат қилиш мақсадида магнит ва электр майдонларининг вариацияларини аниқлаш муҳим ҳисобланади.


Дунёда кўплаб сув омборларида ер магнит майдонидаги локал ўзгаришлар сув ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқлиги аниқланган (Россия, Хиндистон, Австралия, Армения, Тожикистон, Қирғизистон ва ҳ к.). Чорбоғ полигонида узоқ йиллар давомида ўтказилган магнитометрик кузатув натижалари қайта ҳисобланди, умумлаштирилди ва магнит майдонининг сув ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқ вариациялари аниқланди.

Фойдаланилаётган техноген объектлар ҳудудида бир вақтнинг ўзида геодинамик ва техноген хусусиятга эга бўлган аномал вариациялар аниқланган. Бу ҳолат фойдаланилаётган техноген объектлар ҳудудида олиб бориладиган геомагнит тадқиқотларнинг юқори аниқликда олиб борилишини талаб қилади. Бу ҳудудларда турғун (стационар) пунктларни ўрнатиш жойларини аниқлашда электромагнит тўлқин ҳосил қилувчи объектлар мавжудлигини, геомагнит майдон градиенти қийматини ҳисобга олиш зарур. Чорбоғ сув омбори, фойдаланаётган ер ости газ сақлагичлари, содир бўлган кучли зилзилалар эпицентрал ҳудудларида олиб борилган магнит ўлчашлар «Янгибозор» магнит ионосфера расадхонаси ёки юқорида айтиб ўтилган объектларга яқин жойлашган ёки махсус ташкил қилинган турғун магнит станцияларига нисбатан кўрилган.

Сув омборида сув ҳажмининг ортиши натижасида локал геомагнит майдонининг камайиши аниқланади (расм 3). Сув ҳажмининг максимал қиймати июль ойига тўғри келса, геомагнит майдоннинг энг минимал қиймати ҳам шу июль ойига тўғри келади. Геомагнит майдоннинг максимал қийматлари май ва октябр ойларида кузатилган. Бу ойларда сув ҳажмининг ўзгариш тезлиги энг катта қийматга эга. Кўп йиллик мавсумий кузатув

натижалари ҳар доим сув ҳажмининг ўзгариши магнит майдонининг ўзгаришига олиб келиши аниқланади.

Шунингдек Чорбоғ микрополигонидида ер магнит майдонининг зилзилалар билан боғлиқ вариациялари тадқиқ қилинди. Ернинг бирор қисмида (майдонида) зўриқиш-деформацияланиш жараёни давом этаётган бўлса, зилзила содир бўлишидан бир неча ой ва йиллар илгари бўлажак зилзила ўчоғида тоғ жинсларининг барча физик хоссалари ўзгаради. Зилзила ўчоғида тектоник ҳаракат натижасида тоғ жинсларининг электр ўтказувчанлиги, магнит хоссалари, зичлиги, сейсмик тўлқинларни ўтиш тезлиги ўзгаради.



Расм 3. 1973-2010 йилларда магнит майдони ва сув ҳажмининг йил давомида ойма-ой ўртача ўзгариши

Юқорида таъкидлаганимиздек Чорбоғ сув омборидаги сув ҳажмининг ўзгариши ҳар сафар магнит майдонининг сезиларли ўзгаришига олиб келиши аниқланди. Шу билан бирга олинган натижалар магнит майдонидаги ўзгаришларга фақат сув ҳажмининг ўзгариши эмас, балки мазкур ҳудудда ва унинг атрофидаги сейсмотектоник жараёнларнинг ҳам кучли таъсири аниқланди. Чорбоғ микрополигонидида 1973-2017 йилларда ўтказилган геомагнит кузатувлар натижаларини ҳудуднинг локал ва регионал сейсмиклигининг ўзгариши билан боғлиқлигидан далолат беради. Геомагнит

майдонда кузатилган локал аномалияларни таққослаш учун Чорбоғ сув омбори худудида В.И. Уломовнинг (1977)  $R < P20$  ҳолатини қониқтирувчи зилзилалар танлаб олинди.

Худудда 1973-2017 йилларда кузатилган геомагнит майдоннинг локал вариациялари, сув омборида сув ҳажмининг ўзгариши, содир бўлган зилзилалар вақтлари ва магнитудалари келтирилган. Локал геомагнит майдон вариацияларининг аномал ўзгаришига, сув ҳажмининг ўзгаришига нисбатан, худудда содир бўлган зилзилалар ва геодинамик жараёнларнинг таъсири кўпроқ.

1977 йилдаги Товоқсой, Исфара-Баткен зилзилалари катта аномал ўзгаришларга олиб келган. 1980 йилда Чорбоғ полигонидан 80 км масофада содир бўлган Назарбек зилзиласининг таъсири ҳам Чорбоғ полигонидagi локал геомагнит майдон вариацияларида ҳам аномал ўзгаришлар сифатида намоён бўлган. 1984 йилдаги Поп зилзиласи натижасида локал геомагнит майдон сезиларли ўзгарган. 1987 йилдаги эпицентри полигондан 30 км масофада жойлашган Олтинтепа зилзиласи катта аномал ўзгаришларга олиб келган. 1992 йилги Избоскан ва Суусамир зилзилалари магнитудаси юқори бўлгани учун эпицентрлари полигондан узокда (210-300 км) жойлашганлигига қарамай катта аномал ўзгаришларга сабаб бўлган.

Демак, Чорбоғ микрополигонидagi геомагнит майдоннинг локал ўзгаришлари нафақат омборда тўпланаётган сувнинг таъсири натижасида, балки шу полигонда ёки регионда содир бўлаётган турли кучдаги зилзилаларнинг тайёрланиш жараёнлари ёки худуддаги сейсмотектоник жараёнлар таъсири остида содир бўлади. Бунга асосий сабаб Чорбоғ микрополигонининг шимолий-шарқий томонидан ўтган Каржантов регионал ер ёриғи, уни кесиб ўтувчи кичикроқ Угом, Қумбел, Ализар, Кенкол, Сижжак, Товоқсой каби ер ёриқларининг фаоллашиши ҳисобланади. Ўртача йиллик ўзгариш қиймати -5-6 нТл ни ташкил этади. Бу аномал ўзгаришлар Тошкент полигонининг шимолий-шарқий қисми ер қобиғида катта кучланиш мавжудлигини кўрсатди. Бу худудда 1937 йилда Пском ( $M=6,5$ ), 1959 йилда Бурчмулла ( $M=5,7$ ), 1977 йилда Товоқсой ( $M=5,3$ ) каби кучли зилзилалар содир бўлганлигини ҳисобга олсак, магнит майдонидаги аномал ўзгаришлар шу худудда тайёрланаётган кучли ( $M \geq 5$ ) зилзиланинг ўрта муддатли даракчиси бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, 2012 йилнинг 2 чорагида Фавқулудда вазиятлар вазирлигига қуйидагича маълумот (прогноз) берилганди: «2012 йилдаги сейсмопрогностик кузатув натижаларига кўра Тошкент вилоятининг шимол-шарқий қисмида Чорбоғ сув омбори атрофидаги магнитометрик пунктларда унча кучли бўлмаган ўрта муддатли магнит майдони аномалиялари пайдо бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда Чорбоғдан 60-70 километр радиусдаги майдонда кўшимча тектоник кучланишлар тўпланаётгандан дарак беради. Чорбоғ полигони атрофидаги 20-25 та



пунктларда жиддий кузатув ишлари давом эттирилмоқда. Демак ФВВ сўраётган ўрта муддатли даракчи хозирча Чорбоғ полигонидан 60- 70 км радиусда жойлашган майдонда мавжуд». Ушбу прогноз 2013 йил 25 майда содир бўлган Туябўғиз  $M=5$ ) зилзиласи билан тасдиқланди.

Чорбоғ сув омбори худудида олинган локал геомагнит аномалияларни Тошкент полигонидаги маршрутларда олинган натижалар ҳам тасдиқлайди. Тошкент полигони «Секущий 9» пунктида ва Чорбоғ сув омбори атрофидаги пунктлардаги Товоқсой зилзиласи билан боғлиқ бўлган ўртача ўзгаришлари аниқланди. Магнит майдонининг Чорбоғ сув омбори яқинида 1977 йил 6 декабрда рўй берган Товоқсой зилзиласи ( $M=5.3$ ) билан боғлиқ аномал вариациянинг майдон ва вақт бўйича ўзгаришлари баҳоланган.

Бу натижа магнит съемкалари ёрдамида нафақат Чорбоғ сув омбори худудини, балки Шарқий Ўзбекистон ва унга чегарадош худудлар сейсмиклигини ҳам назорат қилиш мумкинлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Электромагнит аномалияларини геодинamik жараёнлар, зилзилалар ва техноген ҳодисалар билан боғлиқлик хусусиятлари (олинган натижаларнинг муҳокамаси)**» деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистондаги геодинamik полигонлар ва техноген объектларда ер магнит ва электр майдонларининг ер қобиғидаги турли жараёнлар билан боғлиқ таҳлил қилиш усуллари кўриб чиқилган. Физик ва механик ҳодисалар: эластик зўриқиш (кучланиш кучланганлик) тоғ жинсларининг магнитлик ва электр хоссаларини ўзгартириши; зилзила тайёрланаётган худудда (майдонда) кўшимча эластик кучланиш пайдо бўлиши, техноген объектларда эса бу жараёнлар маълум миқдорда табиий шароитда моделлаштирилиши асос қилиб олинди. Шундай қилиб физика томонидан пьезомагнит, пьезоэлектр, электрокинетика ҳодисаларига таянилган бўлинса, геофизика томонидан эластик кучланиш механизмига таянилган.

Кўп йиллик комплекс тадқиқотлар натижаларига кўра электр, магнит, импульс электромагнит майдон аномалияларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва майдон бўйлаб тарқалишида асосий омил бўлиб ернинг фаол ер ёриқлари, тоғ жинсларининг хусусиятлари ҳисобланади.

Дастлаб Тошкент полигонида, кейинчалик Фарғона, Қизилқум полигонларида ва техноген объектларда олинган натижалар: кўплаб зилзилалар билан боғлиқ узок, ўрта ва қисқа муддатли аномалиялар, техноген объектлардаги муҳим натижалар ҳақиқатдан ҳам кўшимча босим ва кучланиш ернинг электр ва магнит майдонларида аномал ўзгаришларга олиб келиши исботланди. Лекин полигонларда олинган натижаларда жуда кўп номаълум фактлар юзага кела бошлади. Аномалияларнинг майдон ва вақт бўйича намоён бўлиши ҳамма жойда хар хиллиги; аномал ўзгаришлар баъзида эса умуман йўқлиги; зилзила билан боғлиқ бўлмаган лекин фазо ва замонда даракчилар билан деярлик бир хил намоён бўлиши, техноген

объектларда ҳам сувнинг ҳажми ва босими ўзгариши билан бир қаторда, атрофдаги зилзилалар билан боғлиқ бўлган аномалияларнинг мавжудлиги, зилзила магнитудаси  $M=5$  гача бўлган даракчилар, магнитудаси 5 дан юқоридагиларга қараганда бошқачалиги, масофа бўйича тарқалиши (сўниши) тўғри чизиқли эмас, тебранма тўлқинсимон характерга эгалиги, аномалияларнинг ўлчамлари геотектоник структураларнинг ўлчамларига мослиги ва шунга ўхшаш қатор натижалар олинди. Бир сўз билан изоҳлайдиган бўлсак, зилзилалар тайёрланиши билан боғлиқ бўлган узок, ўрта, қисқа муддатли ва афтершокларнинг сўниши билан боғлиқ бўлган аномал ўзгаришлар зилзилалар тайёрланишининг геофизик моделига мослиги аниқланди.

Электрметриянинг ДЭЗ, ВЭЗ усуллари ёрдамида ўрганиладиган тоғ жинсларининг электр қаршилиги ва электр ўтказишининг аномал ўзгаришлари вақти бўйича ўрта ва қисқа муддатли даракчилар гуруҳига киради. Россия, Хитой, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқа полигонларда ишончли даракчилар олинган. Кейинги йилларда МГД генераторлари ёрдамида Россия Фанлар академияси Юқори температуралар институтининг Қирғизистондаги полигонида бирнеча ўнлаб километр чуқурликкача бўлган қатламларнинг электр ўтказувчанлиги аниқланган. Олинган натижалар бу усулларнинг юқори самарадорликка эгалигини кўрсатмоқда. Лекин бу усуллар ўта қиммат ва бир вақтнинг ўзида кўп майдонларда ўлчаш ишлари олиб бориш ўта мураккаб ҳисобланади.

Техноген объектлардан фойдаланиш даврида оптимал эксплуатация режимига риоя қилмаслик натижасида атроф муҳитнинг сейсмик ҳолатига, инженер-геологик, экологик шароитига сезиларли таъсир кўрсатишига олиб келади. Техноген объектларнинг эксплуатацияси даврида ҳудудлардаги сейсмикликни назорат қилиш мақсадида магнит ва электр майдонларининг вариацияларини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Дунёда кўплаб сув омборларида, ер магнит майдонидаги локал ўзгаришлар сув ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқлиги аниқланган (Россия, Хиндистон, Австралия, Армения, Тожикистон, Қирғизистон ва ҳ.к.). Чорбоғ полигонида узок йиллар давомида ўтқазилган магнитометрик ўлчов натижалари қайта ҳисобланди, умумлаштирилди ва магнит майдонининг сув ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқ вариациялари аниқлаштирилди.

Техноген объектларда магнитометрик, электрметрик кузатувларни олиб боришдан мақсад шу ҳудудда содир бўладиган зилзила даракчиларини, тоғ жинслари физик хоссалари ўзгаришини аниқлаш ҳисобланади. Сув омборида сув ҳажмининг ортиши натижасида локал геомагнит майдонининг камайиши кузатилди, сув омборида тўпланадиган сувнинг босими таъсирида тоғ жинсларининг магнит хусусиятлари ўзгаришига олиб келади.

Чорбоғ микрополигонида ер магнит майдонининг ҳудудда содир бўладиган зилзилалар билан боғлиқ вариацияларини таҳлил қиладиган

бўлсак, магнит майдонининг зилзила билан боғлиқ ўзгаришлари масофа бўйича аномалиянинг амплитудаси ўзгариши билан боғлиқ. Товоқсой зилзиласи билан боғлиқ «Секущий 9» пунктидаги ўзгаришлар Чорбоғ геодинамик полигонида қайта кузатув олиб бориладиган пунктларида ҳам аномалия борлиги фақат амплитудаси 2-3 баробар камлиги кузатилди.

Чорбоғ микрополигонидаги геомагнит майдоннинг локал ўзгаришлари шимоли-шарқий томонидан ўтган Каржантов регионал ер ёриғи, уни кесиб ўтувчи кичикроқ Угам, Қумбел, Ализар, Кенкол, Сиджак, Товоқсой каби ер ёриқларининг фаоллашиши ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Диссертациясида ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар қилинган:

1. Зилзилаларнинг магнитуда бўйича намоён бўлиши глобал, регионал ва локал геотектоник структуралар ўлчамларининг катталиклари билан боғлиқ эканлиги баҳоланган. Бу хулосага асосланиб электрометрик ва магнитометрик кузатувларни сейсмик фаол ҳудудларда сейсмоген зоналар, йирик тектоник плиталар чегаралари ҳудудларида олиб бориш тавсия этилади.

2. Ўзбекистонда олиб борилган электрометрик кузатувлар асосида импульс электромагнит майдонининг ўртача суткалик, ойлик ва йиллик ўзгаришлари, шунингдек зилзилалар билан боғлиқ аномалиялари аниқланган. Натижада ушбу усулдан қисқа муддатли зилзилаларни прогноз қилишда фойдаланиш тавсия этилган.

3. Марказий Осиёда жойлашган геомагнит расадхоналарда ер магнит майдонининг асрий ўзгаришлари Ўзбекистондаги турғун (стационар) станциялар билан бир хиллиги аниқланган. Ушбу натижалар асосида турғун (стационар) станцияларнинг ишлаш сифати, магнит майдонининг регионал миқёсда ўзгаришларини аниқлашни амалиётга жорий этиш таклиф этилган.

4. Полторацк ер ости газ сақлагичи, Чорбоғ сув омборидаги эксплуатация режими ҳамда тоғ жинслари электр қаршилигининг турли сейсмогеодинамик жараёнлар билан боғлиқ аномал ўзгаришлари аниқланган. Натижада бундай объектларнинг эксплуатация даврида сейсмикликни ўзгаришига олиб келиши исботланган. Бу техноген объект ҳудудларида кучланган-деформацияланганлик ҳолати мониторингини сейсмологик ва геофизик кузатувлар комплекси билан олиб бориш тавсия этилган.

5. Чорбоғ сув омбори ҳудудида кузатилган магнит майдон аномалиялари нафақат сувнинг режими, балки полигон атрофида рўй берган зилзилалар билан ҳам боғлиқлиги аниқланди. Бу натижа магнитометрик усуллар ёрдамида техноген объектлар ҳудудлари ва унинг атрофидаги сейсмик фаоллигини кузатиб бориш тавсия этилади.

6. Электромагнит майдонларининг техноген жараёнлар ва zilzilalar билан боғлиқ узок, ўрта ва қисқа муддатли аномал вариациялари zilzilalar тайёрланиши жараёнлари моделларига мослиги исботланган. Ушбу моделга мос аномал вариациялар амалиётга жорий этиш таклиф этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.GM.40.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИНЕРАЛЬНЫХ  
РЕСУРСОВ, ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ, ИНСТИТУТЕ  
ГИДРОГЕОЛОГИИ И ИНЖЕНЕРНОЙ ГЕОЛОГИИ, ИНСТИТУТЕ  
СЕЙСМОЛОГИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
УЗБЕКИСТАНА И ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ИНСТИТУТ СЕЙСМОЛОГИИ**

**ЮСУПОВ ВАЛИЖОН РУСТАМОВИЧ**

**ВАРИАЦИИ ЭЛЕКТРОМАГНИТНЫХ ПОЛЕЙ ЕСТЕСТВЕННОГО И  
ТЕХНОГЕННОГО ПРОИСХОЖДЕНИЯ**

**04.00.06 «Геофизика. Геофизические методы поисков полезных ископаемых»**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2018**

**Тема диссертации доктора философии зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.2.PhD/GM14.**

Диссертация выполнена в Институте сейсмологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский(резюме)) размещен на веб-странице научного совета [www.gpniimr.uz](http://www.gpniimr.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель :** **Абдуллабеков Кахарбай Насирбекович**  
Доктор физико-математических наук, проф.академик

**Официальные оппоненты:** **Хамидов Лутфулла Абдуллаевич**  
Доктор физико-математических наук

**Юсупов Рустам Юнусович**  
Кандидат геолого-минералогических наук

**Ведущая организация:** **Акционерное общество «Институт геологии и разведки месторождений нефти и газа»**

Защита диссертации состоится «\_\_»\_\_\_\_\_2018 года в «\_\_» часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.GM.40.01 при Институте минеральных ресурсов, Институте геологии и геофизики, Институт гидрогеологии и инженерной геологии, Институте сейсмологии, Национальном университете Узбекистана и Ташкентском Государственном техническом университете (Адрес: 100060, г.Ташкент, ул Т.Шевченко, 11<sup>а</sup>. Тел.: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: [info@gpniimr.uz](mailto:info@gpniimr.uz), [gpniimr@exat.uz](mailto:gpniimr@exat.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института минеральных ресурсов (регистрационный номер №\_\_). Адрес: 100060, г.Ташкент, ул Т.Шевченко, 11<sup>а</sup>. Тел.: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12

Автореферат диссертации разослан «\_\_»\_\_\_\_\_2018 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_от\_\_\_\_\_2018 года).

**Р.А. Ахунджанов**

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н.

**К.Р.Мингбоев**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.г.-м.н.

**С.А. Бакиев**

Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н.

## **ВВЕДЕНИЕ**

**(аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время оценка сейсмической опасности и прогнозирования землетрясений является одной из значимых проблем мирового масштаба. В том числе в развитых странах мира продолжают исследования, необходимые для разработки подходов по решению сложных задач по прогнозированию землетрясений, по выявлению предвестников землетрясений, основанные на изменениях электромагнитных полей.

Модернизация вероятностных методов оценки сейсмической опасности является приоритетным направлением исследований, уделяется особое внимание выявлению особенностей проявления предвестников землетрясений в разных сеймотектонических условиях, изучению природы зарегистрированных электромагнитных аномалий, разработке комплексных систем. Одним из приоритетных направлений проводимых исследований является предупреждение и снижение ущерба от землетрясений, выявление закономерностей изменений параметров электромагнитных полей. При решении проблем прогнозирования землетрясений всесторонние исследования особенностей проявления электромагнитных полей, связанных с естественными и техногенными процессами являются особенно актуальными при нынешнем периоде интенсивного развития.

В нашей республике проведены определенные исследования по наблюдениям электромагнитных полей, модернизации системы прогностического мониторинга, получены высокоточные данные перед сильными землетрясениями. Выполняются программы постоянного мониторинга сейсмичности территорий. В «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» определены задачи по «Обеспечению жизнедеятельности населения в экологически безопасной среде»<sup>1</sup>. В связи с этим особую значимость имеют исследования по обеспечению сейсмической безопасности населения и территории республики, сейсмостойкого строительства и сейсмологии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5066 от 1 июня 2017г. «О мерах по коренному повышению эффективности системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 9 августа 2017 г. №ПП-3190 «О мерах по совершенствованию проведения научных исследований в области сейсмологии, сейсмостойкого строительства и сейсмической безопасности

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

населения и территории Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики - VIII. «Науки о Земле» (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья).

**Степень изученности проблемы.** Изучение электромагнитных предвестников землетрясений осуществляется учеными в ряде ведущих научных центров и высших образовательных учреждениях сейсмоактивных стран мира, в том числе: Xuemin Zhang, Xuhui Shen, F.D.Stacey, V.A.Shapiro, S.Polyakov, A.Shchennikov, Z.Tang, I.Podsklan, V.Kuznetsova, V.Maksymchuk, Mei Li, Handong Tan, Meng Cao, P.M.Davis, в Узбекистане исследования электромагнитных полей в разные годы проводили Г.А.Мавлянов, В.И.Уломов, К.Н.Абдуллабеков, С.Х.Максудов, С.С.Хусомиддинов, Е.Бердалиев, М.Ю.Муминов, А.И.Туйчиев, С.О.Якубова, О.М.Барсуков, Н.М.Муталиев, Э.М.Махкамджанов, М.Т.Усманова и другие. На геодинамических полигонах и гидротехнических сооружениях Кыргызстана исследованы изменения электромагнитного поля (Турдукулов и др., 2003), в Соединенных штатах Америки по комплексному анализу электромагнитных полей выявлены время, место и сила землетрясений (Geller), в Греции с помощью электромагнитных станций выявлены аномальные предвестниковые изменения перед несколькими землетрясениями (Eftaxias, 2000).

